

## Ҳ У К М

Ўзбекистон Республикаси номидан

2026 йил февраль ойининг 10-куни жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида, раислик қилувчи суд раиси С.Расулов, судья ёрдамчиси А.Халбоевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Жиззах шаҳар прокурори ўринбосари А.Тураев, судланувчи Д.Чулпонов ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Сулейманова ҳамда жабрланувчи М.Икромовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан судланувчи Чулпонов Давлатбек Акбарали ўғлига оид 1-1301-2601/41-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

**Чулпонов Давлатбек Акбарали ўғли** – 2000 йил 11 январь куни Жиззах шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, бўйдоқ, ишламайди, муқаддам жиноят ишлари бўйича Ш.Рашидов туман судининг 2025 йил 8 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 25,169-моддаси 1-қисми билан бўлган жиноят иши ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан тарафлар ярашганлиги муносабати билан тугатилган, судланмаган шахс ҳисобланади, Жиззах шаҳар, Обод маҳалласи, Ёшлик кўчаси, 16-уйда яшайди, “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2026 йил 23 январь куни олган.

Суд, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини тинглаб, уларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и :

Судланувчи Чулпонов Давлатбек Акбарали ўғли 2025 йил 19 октябрь куни соат 17-30 да Жиззах шаҳар Обод маҳалласи И.Каримов шох кўчасида бўла туриб, ўзига олдиндан таниш бўлган Икромов Мухаммад Ғулом ўғли билан телефон орқали ўзининг “Камаз” русумли юк кўтариш (автокран) учун мўлжалланган юк машинасида Жиззах вилояти М-39 автомобил йўлидаги юкларни юклаб бериш ҳақида гаплашиб, хизмат ҳаққи нарҳини келишолмасдан ўзаро жанжаллашиб қолиб, сўнг М.Икромов билан юзма-юз кўришиб ўзаро жанжаллашиб, М.Икромов уни кўракда турмайдиган ҳар хил ҳақоратли сўзлар билан ҳақорат қилганлиги учун М.Икромовнинг юз, бош ва танасининг бошқа қисмларига қўли ва оёғи билан бир неча мартаба уриб тегиб, унга қасддан соғлиғини бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 24.10.2025 йилдаги 3890-сонли хулосада, фуқаро М.Икромовнинг танасидаги тан жароҳатлари: иккала кўз атрофи қовоқлари, ёнокларда қон қуйилиши (гематома), чап елкасида конталаш, ўнг тизза соҳасида, чап биллак соҳасидаги шилинма, енгил краниоцеребрал травма, бош мия чайқалиши, бошнинг тепа соҳаси урилиб



йиртилган жароҳати, ўнг юз соҳаси, иккала кўз атрофи ва чакка соҳалари юмшоқ тўқималари лат ейиши, иккала кўз конюктива остига қон қуйилиши, қаттиқ тўмтоқ жисмлар таъсирида ўзи кўрсатган ҳолатида етказилган бўлиши мумкинлиги, тан жароҳатларининг етказилиши муддати 2025 йил 19 октябрь кунига тўғри келиши мумкинлиги, тан жароҳатларининг оғирлик даражаси бўйича “соғлиғини бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати” эканлиги аниқланган.

Дастлабки тергов органининг 2025 йил 27 декабрдаги қарорига кўра, ушбу жиноят ишининг З.Мамадиев, Б.Чулпонов ва М.Икромовларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари ҳамда Д.Чулпоновнинг ҳаракатларида ЖКнинг 97, 277-моддаларида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, уларнинг қисми ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан тугатилган.

Судланувчи Д.Чулпонов ушбу ўзининг юқоридаги ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни қасдан содир қилган.

Суд мажлисида судланувчи Д.Чулпонов айбига тўлиқ иқдорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам бўш вақтларида қурилиш ишлари учун мўлжалланган автокрант бошқариб келиши, 2025 йил 19 октябрь куни соат 17-30 ларда унга олдиндан таниш бўлган Икромов Мухаммад исмли бола телефон қилиб у бошқариб келаётган автокран Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани ҳудудидан ўтган М-39 йўлида кўтарадиган юк борлигини айтганлиги, нарҳи қанча эканлигини сўраган вақтида унга 1.800.000 сўм бўлишини айтганида у унга “сени кранинг 1.800.000 сўмлик кранми, металл кран-ку” деб уни камсита бошлаганлиги, шундан кейин у билан телефонда жанжаллашиб қолганлиги ва телефонни ўчириб қўйганлиги, шундан кейин уни автокрани Жиззах шаҳар И.Каримов шох кўчасидаги Наво номли тўйхона олдида турган вақтида Икромов Мухаммад унга телефон қилиб автокранининг олдида келганлигини кўчага чиқишини айтганлиги, ўзи эса шу атрофдаги катта ховлисига келган бўлгани, кейин автокрани турган жойга Икромов Мухаммаднинг олдида бораётган вақтида Мухаммад уни уриб кетганлиги, ўзи эса қочиб кетганлиги, шунда ҳам Икромов Мухаммад уни қувлаб уриб кетганлиги, бу вақтда атрофда Мамадиев Зафар ва Чўлпонов Бегалилар бор бўлгани ва улар ушбу ҳолатга гувоҳ бўлганлиги, шундан кейин ҳам Икромов Мухаммад ҳам уни юзига муштлаб уриб ҳақоратлаб кетганлиги, яъни у уни онасини ҳақорат қилиб “онангни с...” каби сўзлар билан ҳақоратлагани учун жаҳли чиқиб Икромов Мухаммадни юзига бир маротаба муштлаб юзига урганлиги, кейин Икромов Мухаммад ерга йиқилганлигидан кейин уни юзига оғи билан бир марта тепганлиги, шундан кейин атрофдагилар уларни ажратиб олишганлиги, кейин Икромов Мухаммадни боши қон оқаётган бўлгани, ушбу қонни атрофдаги фуқаролар тозалаганлиги, кейин улар ҳаммалари тарқалиб кетганлиги, ўзи эса Икромов Мухаммад уни урганлиги учун касалхонага бориб биринчи тиббий ёрдам олганлиги, 2025 йил 19 октябрь куни Икромов Мухаммад билан автокранда юк кўтариш маласида гаплашиб уришиб



қолганидан кейин жанжал келиб чиққан бўлгани, ўзи жанжал вақтида Икромов Мухаммадни ҳақорат қилмаганлиги, 19.10.2025 йил куни Икромов Мухаммад уни ҳақоратлаб кетганлиги учун уни урганлиги, Мухаммад Икромов билан жанжаллишган вақтида Мухаммад уни урган вақтида ва ўзи Мухаммадни урган вақтида қўлига ҳеч қандай нарса буюм бўлмаганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, жабрланувчи ярашишдан бош тортаётганлиги, шу сабабли қонун доирасида енгиллик беришни сўрашлигини билдириб кўрсатув берди.

Судланувчи Д.Чулпоновнинг мазкур ҳукмда қайд этилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари:

суд мажлисида сўралган жабрланувчи М.Икромовнинг, ҳақиқатдан ҳам ҳозирги кунда юк машина ҳайдаш билан шуғулланиб келишлиги, 2025 йил 19 октябрь куни Ш.Рашидов туманида жойлашган Осиё бозорида турган вақтида телеграм гуруҳидаги “юк маркази” канадига водийлик юк ташувчилар юк ортиш учун автокран кераклигини айтиб унга кран топишда ёрдам беришини сўраганлиги, кейин “Мансуров Отабек” исмли юк ташувчи танишидан автокран ҳайдаш билан шуғулланувчи Чулпонов Давлатбек исмли болага телефон қилганлиги, шунан кейин Чулпонов Давлатбек билан телефон орқали гаплашиб унга Ш.Рашидов тумани бетонкада турк қишлоғида юк борлигини водийлик болалар юк ортиб берувчи кран топиб беришини илтимос қилганликлар учун телефон қилаётганлигини автокран кераклигини нарҳи қанча эканлигини сўраганида у унга 2.000.000 сўм бўлишини айтганлиги, ўзи эса нарҳини келиштиришини сўраганида Чулпонов Давлатбек унга 1,8 млн сўм бўлишини айтганлиги, ўзи эса яна келиштиришини Азамат исмли автокранчининг кранлари арзон нарҳга ишлаётганлигини айтганида у унга “Азаматга ҳам сенга ҳам қўйганим бор” деб айтганлиги, ўзи эса унга яхши гаплашишини айтганида у билан телефонда уришиб жанжаллашиб кетганлиги ва ўзини Жиззах шаҳар И.Каримов кўчаси Наво тўйхонаси олди (проспект)да турганлигини уни олдига боришини гаплашиб олишини айтганлиги учун Осиё бозоридан бошқарувидаги 25A733GA давлат рақамли юк машинасида Чулпонов Давлатбекнинг олдига борганлиги, шундан кейин машинасида тушганлиги ва Чулпонов Давлатбек уни олдига келганлиги ва у билан саломлашганлиги, Чулпонов Давлатбек унга телефонда ҳурматсизлик қилганлиги учун Чулпонов Давлатбекни юзига бир марта шаполоқ урганлиги, шундан кейин Чулпонов Давлатбек билан ўзаро жанжаллашиб қолганида бирданига танасининг юз, бош қисмига бир неча маротаба мушт келиб тушганлиги, ўзи эса ҳушидан кетганлиги, Чулпонов Давлатбекни ёнидаги иккита шериги ҳам уни урган бўлиши керак деб ҳисоблашлиги, бироздан кейин ўзига келган вақтида бошидан қон оқаётган бўлгани ва ўрнидан туриб касалхона кетганлиги, ушбу куни жанжал ўзи ва Чулпонов Давлатбек телефон орқали иш юзасидан жанжаллашиб қолиши оқибатида у унга ҳурматсизлик қилганлиги учун жанжал келиб чиққан бўлгани, 2025 йил 19 октябрь куни ўзи фақат Чулпонов Давлатбекнинг юзига бир маротаба шапалоқ ургани, ушбу куни ҳеч кимни ҳақорат қилмаганлиги, судланувчи билан ярашмаслиги,



судланувчидан унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириб беришни сўрашлиги ҳақидаги;

судда сўралган гувоҳ З.Мамадиевнинг, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, ҳақиқатдан ҳам 2025 йил 19 октябрь куни Чулпонов Бегалининг укасининг туйи бўлганлиги учун ўзи, Чулпонов Давлатбек ва Бегалилар хизматда бўлганликлари, кейин улар бирга турган вақтларида Чулпонов Давлатбекнинг телефониغا Икромов Мухаммад исмли шахс иш юзасидан, яъни Чулпонов Давлатбек автокран бошқариб келганлиги учун у билан юк кўтариш юзасидан гаплашиб телефонда жанжаллашиб сўкишиб қолишганлиги, шундан кейин орадан 10-15 дақиқа ўтиб Чулпонов Давлатбек билан турган вақтида Икромов Мухаммад исмли фуқаро Чулпонов Давлатбекга телефониغا кўнғироқ қилиб унинг автокранинг олдига келганлигини, унинг олдига чиқишини гаплашиб олишларини айтганлиги, шундан кейин ўзи, Чулпонов Давлатбек ва улар билан бирга бўлган Чулпонов Бегалилар кўчага чиқиб Икромов Мухаммаднинг олдига томон бораётиб ўзи ва Зафар шу ерда улардан 5-6 метр узоқроқда қолганликлари, шундан кейин Чулпонов Давлатбек Икромов Мухаммад исмли боланинг олдига бораётган вақтида Мухаммад Чулпонов Давлатбекни уриб кетганлиги, Чулпонов Давлатбек эса Мухаммаддан қочишига қарамасдан уни ортидан бориб ҳар хил ҳақоратли сўзлар билан, яъни “сик..., онангни с...” каби ҳақоратли сўзлар билан ҳақоратлаб, уни ва Бегалини ҳам ҳар хил сўзлар билан, яъни “агар кўшилсанг сик...” каби сўзларни айтиб кетганлиги, улар эса уларни ажратмоқчи бўлганларида Икромов Мухаммад уларга аралашмасликларини айтганлиги, шундан кейин Мухаммад Чулпонов Давлатбекни онасидан кетиб, яъни “онангни си...” деб ҳақорат қилганидан кейин Чулпонов Давлатбек Икромов Мухаммадни юзига мушти билан урганлиги ва Мухаммад ерга боши билан йиқилиб боши қонаб кетганлиги, кейин уларни ажратиб олиб Мухаммадни бошидан қон оқаётганлиги учун унга ёрдам берганликлари ва Мухаммад уларга нотаниш шахслар билан гаплашиб ўзи касалхонага кетганлиги, 2025 йил 19 октябрь куни уни ҳеч ким урмагани ва ҳақорат қилмагани, ўзи ҳам ҳеч кимни урмагани ва ҳақорат қилмаганлиги, ўзи ва Зафар фақатгина Чулпонов Давлатбек ва Икромов Мухаммадлар уришиб жанжаллашганлиги учун уларни ажратганликлари, лекин уларнинг жанжаларига аралашмаганликлари ва ҳеч кимни урмаганликлари, ушбу куни содир бўлган жанжал Чулпонов Давлатбек ва Икромов Мухаммадлар ўзаро телефонда иш юзасидан гаплашиб жанжаллашганидан жанжал келиб чиқганлиги, уларни ҳолати дастлабки терговда текширилгани, яъни улар Мухаммадни урмаганликлари ўша ердаги видекамерадан ҳам кўринганлиги ҳақидаги;

судда сўралган гувоҳ Б.Чулпоновнинг, дастлабки терговдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, ҳақиқатдан ҳам 19 октябрь куни тушликдан кейин соат 17-30 ларда Чулпонов Давлатбек билан турган вақтида унинг телефониغا Икромов Мухаммад исмли фуқаро телефон қилиб иш юзасидан, яъни Чулпонов Давлатбек автокран бошқариб келганлиги учун у билан юк кўтариш



юзасидан гаплашиб телефонда жанжаллаши сўкишиб қолишганлиги, шундан кейин орадан 10-15 дақиқа ўтиб Чулпонов Давлатбек билан турган вақтида Икромов Мухаммад исмли фуқаро Чулпонов Давлатбекга телефон қилиб унинг авторкранинг олдига келганлигини, унинг олдига чиқишини гаплашиб олишини айтганлиги, шундан кейин ўзи, Чулпонов Давлатбек ва улар билан бирга бўлган Мамадиев Зафарлар Икромов Мухаммаднинг олдига томон бориб ўзи ва Зафар шу ерда улардан 5-6 метр нарироқда қолганликлари, шундан кейин Чулпонов Давлатбек Мухаммад исмли боланинг олдига бораётган вақтида Мухаммад Чулпонов Давлатбекни уриб кетганлиги, Чулпонов Давлатбек эса Мухаммаддан қочишига қарамасда уни ортидан бориб хар хил ҳақоратли сўзлар билан (сик..., онангни с....) деб ҳақоратлаб кетганлиги, улар эса уларни ажратмоқчи бўлганида Мухаммад уларга аралашмаслигини айтганлиги, шундан кейин Мухаммад Чулпонов Давлатбекни онасидан кетиб ҳақорат қилганидан кейин Чулпонов Давлатбек Икромов Мухаммадни юзига мушти билан урганлиги ва Мухаммад ерга боши билан йиқилиб боши қонаб кетганлиги, кейин уларни ажратиб олиб Мухаммадни бошидан қон оқаётганлиги учун унга ёрдам берганлиги ва Мухаммад уларга нотаниш шахслар билан гаплашиб ўзи касалхонага кетганлиги, 2025 йил 19 октябрь куни уни ҳеч ким урмагани ҳамда ҳақорат қилмагани, ўзи ҳам ҳеч кимни урмаганлиги ва ҳақорат қилмаганлиги, ўзи ва Зафар фақатгина Чулпонов Давлатбек ва Икромов Мухаммадлар уришиб жанжаллашганлиги учун уларни ажратганликлари, лекин уларнинг жанжалига аралашмаганликлари ва ҳеч кимни урмаганликлари, ушбу куни содир бўлган жанжал Чулпонов Давлатбек ва Икромов Мухаммадлар ўзаро телефонда иш юзасидан гаплашиб жанжаллашганилидан жанжал келиб чиққанлиги, уларни ҳолати ҳам дастлабки терговда текширилгани, яъни ўзи ва Зафар Мухаммадни урмаганликлари ўша ердаги видекамерадан ҳам кўринганлиги ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги билдирувчи талон хабарномалари, автомашинани кўздан кечириш баённомаси, жабрланувчининг аризаси, билдиргилар нусхалари, тушунтириш хатлари, судга оид тиббий экспертиза хулосаси, юзлаштириш баённомалари, телеграм ижтимоий тармоғидаги видеоёзувларни кўздан кечириш ва олиб қўйиш тўғрисидаги баённома ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Суд, мазкур далилларни ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос, ишончли далиллар деб баҳолаб, Д.Чулпоновни мазкур ҳукмда кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланиш учун асослар етарли деб ҳисоблайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 13-бандида, судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари керак. Жумладан, оилада, уйда (хонадонда) қариндош-уруғ,



таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, юқорида қайд этилган Пленум тушунтиришидан келиб чиқиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Чулпоновнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Д.Чулпоновга жазо тайинлашда, унинг жазосини оғирлашувчи ҳолатлар йўқ деб, унинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни белгилашликни ҳамда жабрланувчи М.Икромовга етказилган моддий ва маънавий зарар масаласида фуқаролик иш юритуви тартибида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтирилиши лозим топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади,

### **Ҳ У К М:**

Судланувчи Чулпонов Давлатбек Акбарали ўғли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи Д.Чулпоновга ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақидан давлат ҳисобига 20 фоиздан ундириб бориш шарти билан 1 (бир) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўталсин ва жазони ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазо ижросини таъминлаш Жиззах шаҳар ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Д.Чулпоновга нисбатан қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ашёвий далил сифатида эътироф этилган бир дона диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Жабрланувчи М.Икромовга етказилган моддий ва маънавий зарарлар масаласида фуқаролик иш юритуви тартибида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.



Ҳукм устидан апелляция шикоят ва протести ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар суди орқали Жиззах вилоят судига беришга, ушбу муддат ўтказиб юборилса кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**  
**Аслига тўғри**

(имзо)

**С.Расулов**

